

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Қонунчиллик ва ҳукуқ-тартибот учун!

ДОСАДА

Ўзбекистон Республикаси ОМН нашри

№ 11 (3435)

2002 йил 14 март, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин саккизинчи сессиясини чақириш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин саккизинчи сессияси
2002 йил 4 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисингин Раиси
Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 март.

Э. ХАЛИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин саккизинчи сессияси мұхомасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси референдуми-
нинг якунлари түғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси референдуми-
нинг қарорларини амалга оширишга доир қонун
ижодкорлыги ишлери концепцияси түғрисида.

3. "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳоки-
миятининг қонун чиқарувчи, изжо этувчи ва
суд тармоқлари ташкил этилишининг асосий
принциплари түғрисида"ги Ўзбекистон Респуб-
ликаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети-
нинг 2001 йилдаги ижроси түғрисида.

5. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсоз-
лик кодекси лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиши).

6. "Кредит уюшмалари түғрисида"ги Ўзбе-
кистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида
(иккинчи ўқиши).

7. "Сугурта фаолияти түғрисида"ги Ўзбеки-

стон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (ик-
кинчи ўқиши).

8. "Фуқароларнинг банклардаги омонатлари-
ни химоялаш кафолатлари түғрисида"ги Ўзбе-
кистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиши).

9. "Чиқиндилар түғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиши).

10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун
хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар ки-
ритиш түғрисида.

11. Ҳалқаро шартномалар ва битимларни ра-
тификация қилиш түғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар мұ-
хомасига Олий Мажлис ваколатига таалуқли бош-
қа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

БАХОР - ЯШАРИШ ФАСЛИ



Шоир лутф этганидай:

Яна баҳор келди. Яна оламда

Ажис бир гўзалик, ажис бир баёт.

Табиат уйғонди, дов-дараҳтлар гуллаб,
йт-ўланлар кўкка бўй чўзмоқда. Яшиш,
яшарий фасли бўлган кўклам қалблари-
мизга, руҳимизга ҳам ажис бир тсрорат
олиб кирмоқда. Зоро, биз нафақат жами-
ят, балки табиат фарзанди ҳаммиз.

Республикамизнинг барча ички ишлар
идораларида Наврӯздан кўкаламзорла-
тириши, ободонлаштириши ишлари бошли-

ниб кетди. Идоралар ҳовлиларидағи бўш
жойларга, маъмурий бинолар атрофлари-
га мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар
үтқазиляпти. Саф майдонларининг
чиқиқлари янгиланяпти. Ерлар чопилиб,
арықлар тозаланяпти.

Тозалик, саранжом-саришталик бўлган
жойга файз киради. Файзли шихонада
хизмат қилсангиз, ишингизда унум —
барака бўлади, кайфиятингиз ҳам кўта-
рилади. Хуллас, баҳор барчага бирдек ўз
таъсирини ўтказаяпти.

Бош муҳаррир минбари ЯШАРИШ, УЙГОНИШ ВА ПОКЛANIШ АЙЁМИ

Ўтган душанба куни юна бир марта, эҳтимол сўнгги бор
атрофга қор нукраларини туркаб, борликка ўз сепини ёяётган
сўлим Баҳор ташрифига қаршилик кўрсатишига уриниб кўрди. Аммо
бунинг уддасидан чиқа олмади.

Ҳа, совуқ оқим ҳар қанча кутуриб, шимолдан эсаётган шамол
нечоғли авжига чиқмасин, ҳеч қандай куч ажойиб байрам — Ҳалқ-
аро хотин-кизлар куни ва ундан кейинги янада ҳаяжонли ва азиз
айём — азалий анъаналар ва урф-одатлар ўрин олган Наврӯзи
оламни тухфа этувчи Баҳор ташрифини асло тўхтатиб қоломрай-
ди.

Ҳаётимизда ўз мазмуни ва асрлар давомида ҳукм суроётган
анъаналари билан нафақат жамиятимиз, балки ҳар бир кишининг
қалбига яратувчилик, кувонч олиб кирувчи байрамлар бор. Мус-
тақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, барчамиз учун Наврӯз
она шундай айёmdir.

У муқаддас заминимизга ташриф буоргач баҳор, гўзалик,
ёшлиқ ва янгилаш тантаналари бошланиб, инсон ҳамда умум-
инсоний қадриятлар улуғланади.

Қадимий манбаларда ёзилишича, аждодларимиз Наврӯз ойи-
ни "улуғ ой", "орзу-умидлар ойи" деб эъзозлашган. Ушбу даврда
экин-тиқин ишлари бошланган, табиат жонланиб келажакка ишонч
ва умид янада мустаҳкамланган, одамлар қалби покланган. Шу
боис Наврӯзни эзгулик, муҳабbat ва олижаноблик байрами деб
ҳам аташади.

Буғунги кунда ушбу байрамни қандай қабул қиласяпмиз? Яқин-
да хаётдан ўз ўрнини топган, обрў-эътиборли уч собиқ синдо-
шиими учратиб қолдим. Сухбатимиз асносида Наврӯзниң аҳами-
яти ҳақида гап кеттанди тадбиркорлик билан шуғулланаётган син-
дошим шундай деди:

— Айтишларича, Наврӯз нишонланаётган даврда барча гина-ку-
дурат, низолар унтутилиб, одамлар бир-бири билан янада жис-
лашади, улуғ режалар белгиланади. Аждодларимизнинг ана шу
донишмандлиги асрлар оша бизгача етиб келди. Шу боис Наврӯз
кунлари янада марҳаматли бўлиб, яқинларимизга ёрдам беришга
харакат қилишимиз чукур рамзий маънога эга. Наврӯзниң бун-
дай анъаналари, у тифайли қарор топган яхшилини ва меҳр-шаф-
кати мухити бизга ҳар куни ҳамроҳ бўлишини истардим.

Роппа-роса бир ҳафтадан кейин ўлкамизга ташриф буорувчи
кутлуг байрамнинг аҳамияти хусусида гапирганда шуни таъкид-
лаш лозимки, у руҳиятимизни кўтаради, кундалик бехуда уриниш-
лар, кичик турмуш ташвишларидан ўзимизни устун кўйиш, янада
кучли ва муруватли бўлишга ундишиди. Наврӯз ҳамма нарса ўткин-
чи эканлигини ўқтиради. Амал ҳам, бойлик ҳам. Инсон, унинг бу
заминдаги ҳаётидан фақат эзгулик, амалга оширган хайрли иш-
лари, яхши хотира колади. Шу боис Наврӯз таълимотига кўра, ин-
сон доимо виждан амрига қулоқ тутиб яшамоги керак...

Наврӯз ҳақидаги фикри ҳозирда пойтахтдаги олий ўкув юрт-
ларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишлаётган бошқа синдошим да-
вом эттириди:

— Ўзбекистонда мустақиллик кўлга киритилгач, ҳаётимиздаги
кўп нарсалар ўзгарди, — деди у. — Фикр юритишимиз ҳам ўзгача.
Эркин, бамайлихотир яшайдиган, келажакка ишонч билан қарай-
диган бўлдик. Ҳаммаси бошқача бўлган даврларни ҳам бошимиз-
дан кечирганимиз. Бир пайтлар Наврӯзни диний байрам, деб эски-
лик сарқити сифатида нишонлаш тақиқлаб кўйилгани ёдимда. Эн-
дилиқда бу ўтишига айланиб, бир умрга ортда қолди.

Нима бўлганда ҳам биз Наврӯз инсонни, умуминсоний қадри-
ятларни улуғлаши, табиат, яшариш жараёнини тараним этиши-
ни яхши биламиз. Унинг замирида ҳалқимизнинг келажак авлод-
ни Ватани, уйи, тугилиб ўсган ерига муҳабbat руҳида тарбиялаш-
га қаратилган эзгу ниятлари мужассам.

Наврӯз ҳар биримизни меҳр-муруватли бўлиш, Ўзбекистонда
яшаётган барча ҳалқлар ва миллатлар ўртасидаги тотувликни мус-
таҳкамлашга ҳисса кўшишга даъват этади.

— Ҳар бир куни Наврӯздан ўз юрагига яқин бўлган жиҳатларни
олади, — деди учинчи синдошим. — Масалан, мен учун ушбу айём
ҳалқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаши, муносабатларни
янада яхшилаши, одамларни олихиммат ва сабр-тоқатли қилиши
билан қадрли. Наврӯзниң ана шу анъаналари ўзбек ҳалқи қалби-
дан чукур жой олган. Агар кенг доирада фикр юритадиган бўлсан,
миллатлараро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва тенг ҳукуклилик Асосий
қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз иф-
дасини топган бўлиб, республика фуқаролари миллатидан қатни
назар мамлакат фуқароси хисобланиши белгилаб кўйилган.

Шу куни собиқ синдошлариминг сўзларини тинглаб туриб
бир ҳолат хусусида ўйга толдим. Ҳаорий тенгкунлик байрам қили-
надиган дамлар ҳар биримиз ўзимизнинг инсоний фазилатлари-
мизни намоён этамиз. Наврӯз барчамизни поклик ва ҳалоллик,
олижаноблик ва меҳр-муруватли сари ундан, адолатли ва виждан-
ли бўлишга даъват этади. Келинг, Наврӯзниң ана шу анъаналар-
ига нафақат шодиёналар ўтадиган кунлар, балки бошқа пайтлар
ҳам амал қилайлик.

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий вайтганларидек: "Ҳар кунинг
ўлсун Наврӯз".

Халқаро алоқалар

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ


Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири-гиди Германия Федератив Республикасидан ташриф буюрган делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Доктор Б. Флюманн бошчилик қилган бу делегация таркибида ГФРнинг Ўзбекистондаги дўстлик жамияти ва Элчихонаси вакиллари ҳам бор эди.

Меҳмонларни республика Ички ишлар вазири-нинг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев қабул қилди. У бўлиб ўтган самимий сұхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланётганини қайд этди. Б. Парпиев жумла-

дан, 1992 йилдан бўён Германия Қизил Хоч жамияти билан ўзаро ҳамкорлик ривожланаётганини таъкидлadi. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда бешта аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази қурилиб, Тошкент, Гулистан, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона

шаҳарларида ўз фаолиятини бошлади. “Видергебурт” немис маданий маркази ҳам ўзаро алоқаларда муҳим роль ўйнайти. Бу ташкилот немисларнинг миллий байрамларини тиклаш борасида катта ишлар қилаяпти. 2001 йилда ГФРнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси кўмагида немис маданияти биринчи фестивали ўтказилди.

Доктор Б. Флюманн ўзаро алоқаларнинг ривожидан, Ўзбекистондаги хукумат идораларининг немис диаспорасига эътиборидан мамнун эканли-



гини изҳор қилиб, ҳамкорлигимиз истиқболига ишонч билдири. Учрашувда республика ИИВ ХЧК ва ФБ бошлиги, милиция полковники Б. Шорихсиев, унинг ўринбосари, милиция полковники С. Мираҳмединов, Ўзбекистон Қизил

Ярим Ой жамияти раиси У. Воҳидова ва Ўзбекистондаги немис маданияти маркази раиси И. Шуур қатнашиди.

Ўз мухбиришимиз.
Суратда: учрашувдан лавҳа.

Д. АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

Республика ИИВ, Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаси ва “Маҳалла” жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси “Нуроний” жамғармаси, Ёзувчилар юшмаси, “Тасвирий ойина” ижодий юшмаси ҳамкорлигидаги “Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли” кўрик-танлови ўтказилияпти.

ОҚСОҚОЛЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

Бу тадбир нафақат маҳалла оқсоқоллари, балки профилактика инспекторларининг фоалиятини ҳамхолис баҳолайди.

Ички ишлар идоралари тизимларида ўтказилаётган ислоҳотлар талаблари асосида маҳалла оқсоқолларининг аксарияти профилактика инспекторлари билан бирга милиция таянч пунктларида иш юритишмоқда.

Шу боис, биз бу танловда профилактика инспекторларининг эл тинчлигини таъминлашда қишлоқ, овул, маҳалла аҳли билан қай даражада ҳамфир бўлаётганини ҳам билиб оламиз.

Айниқса, Қарияларни қадрлаш йилида маҳалла оқсоқолларининг республика кўрик-танлови ўтказилиши улар фоалиятига тўғри ва холис баҳо беради.

Шу ўринда бизнинг жойлардаги профилактика инспекторларимиз ҳам ушбу кўрик-танловга жиддий тайёргарлик кўришиб, маҳалласи обрўси учун кураш майдонига тушадилар, албатта. Бунда уларга омад ва мувваффиятлар тилаймиз.

А. АБДУНАБИЕВ,
милиция подполковники.

Республикамизда ҳаракат ҳавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ПУХТА РЕЖА АСОСИДА

Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари тадбир давомида мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда ўтказилаётган ойликнинг моҳиятини оммага атрофлича тарғиб қилиш учун пухта режа асосида учрашув, сұхбатлар ўтказмоқдалар.

Унга автокорхона, тиббиёт ходимлари, маҳалла посбонлари ҳам жалб этилган.

Ойлик давомида қоидабузарликларга йўл қўйган шахслар маҳаллалар, меҳнат жамоаларида муҳокама қилинётгани. Ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишлари турли хил тасодиф ҳамда фалокатлардан асрashi аниқ мисоллар билан тушунтирилмоқда.

Умуман, вилоятда бу муҳим тадбир самарали ўтиши учун барча имкониятлар ишга солиняйти.

О. РОПИЕВ,
милиция
катта лейтенанти.

Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари ҳам ушбу тадбирда фаол иштирок этятилар. Жумладан, қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда йўл ҳаракати ҳавфсизлигини тарғиб этувчи турли плакатлар, варақалар, кўлланмалар тайёрлаб, корхона, муассаса, маҳаллаларга тарқатилмоқда.

Маълумки, аксарият ҳолларда пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан қўпол қоидабузарликлар содир этишмоқда. Натижада турли хил қўнгилсизликлар, йўл-транспорт ҳодисалари рўй беряпти.

Баъзан ўзимиз болаларни серқатнов йўлнинг нариги томонидаги дўконга ул-бул харид қилиш учун юборамиз, укаси ёки синглисими олиб келгани боғчага жўнатамиз. Айрим пайтлар эса болалардан қолишмаган ҳолда кўчалардаги маҳсус ўтиш йўлаклари қолиб, йўлнинг хоҳлаган жойидан кесиб ўтамиз. Ана шундай ўтиборсизлик, бепарволиклар туфайли фалокат келиб чиқсанда, айборларни қидиришга тушамиз.

Ходимларимиз ойлик бошланган дастлабки кунданоқ жойларда кенг қўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришилмоқда. Асосий ўтибор йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш, аҳоли, айниқса, болаларга йўл ҳаракати қоидалари ҳамда ҳаракатланиш ҳавфсизлигининг оддий, аммо муҳим шартларини тушунтириб боришга қаратилмоқда.

А. ИЛЁСБОЕВ,
милиция старшинаси.

БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Халқаро хотин-қизлар куни республика ички ишлар идораларида кенг нишонланди. Ички ишлар вазириларининг бошқарма ва бўлимлари ходимлари, хизматчилар “Жар” спорт соғломлаштириш мажмуига йигилдилар. Кутлуғ байрам муносабати билан ўтказилган тантанада республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковники Б. Сидиков опа-сингилларни кутлуғ айём билан қизғин табриклиди. Хизматда яхши натижаларга эришган бир гуруҳ ходималарга навбатдаги маҳсус унвалар берилгани ҳақидаги Республика Ички ишлар вазирининг бўйруғи ўқиб эшиттирилди.

Ўзбек эстрадаси юлдузлари ижросидаги концерт дастури кечага файз киритди.

И. САЙФУДИНОВА.

Тошкент вилояти ички ишлар идораларида хизмат қилаётган муҳтарама хотин-қизларга бағишинган байрам тадбири Ўзбек миллий академик театрида ўтказилди. Муҳташам томоша залига вилоят милицияси ходимларидан ташқари, кўп йиллар ички ишлар идораларида ишлаб, нафақага чиқсан фахрий аёллар, хизмат даврида ҳалок бўлган ходимларнинг рафиқалари, қизғин табриклиди. Вилоят ИИБ бошлиги, милиция полковники Ш. Расулов муҳтарама аёллар ва дилбар қизларни қизғин кутлаб, бир гуруҳ ходимларга пул мукофотлари ва совфалар топшириди.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида ўтказилган байрам тантанаси шўх мусиқалар садоси остида бошланди. Айём муносабати билан йигилган хотин-қизларни вилоят ИИБ бошлиги, милиция полковники Д. Оқмирзаев қизғин табриклиди. Самарали хизмат қилаётган бир қатор ходимларга қимматбаҳо совфалар топширилди. Ички ишлар идораларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросидаги куй ва қўшиқлар янгради.

Б. КЛЕЙМАН.

Республика ИИБ ёнгин ҳавфсизлиги олий техник мактабида ҳам байрам тадбири ўтказилди. Тантанани мактаб бошлиги, полковник М. Собиров очди ва бу ерга йигилган барча хотин-қизларни айём билан муборакбод этди. Тадбирнинг бадиий қисмida Ўзбекистон Халқ артисти С. Умаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Л. Москалев, таниқли актёр Т. Саидов ва бошқалар ўзсанъатларини намойиш этдилар.

З. НЕММАТОВ.

Касб маҳоратимизни оширамиз

ТАЪЛИМ – УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Ўз касбимни бошқа соҳалардан устун қўймокчи эмасман. Аммо менимча, тергов хизмати ходимлари қонунларни ички ишлар идораларининг бошқа соҳа вакилларидан кўра мукаммалрок билсалар билсинглару, кам билмасликлари керак.

Нега? Чунки мабодо бишқалар бирор фуқаро бўйича далолатнома тузишида ёки муайян ҳуқуқбузарлиги бўйича материал тайёрлашда бирор хатоликка йўл қўйди, дейлик. Терговчи тўплланган материаллар қўлига келиб тушгач, бу хатоликни пайқали лозим. Шунинг учун ҳам доимо тергов хизмати ходимлари ўз касб малакасини, ҳуқуқий билимини ошириб, чуқурлаштириб бориши керак.

Бишқармамизда бу борада кўпгина ишлар амалга оширилгани. Тергов фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат этиши ва ахбороттахдил бўлинмасида кўп

йиллик тажрибага эга, билимдон, зукко ходимларни жамлаганимиз. Улар нафакат тергов жараёнининг қонунийлигини назорат этишади, балки терговчиларга устубий маслаҳатлар ҳам беришади. Бундан ташқари, хизмат тайёргарлиги машғулотлари мазмун-мундарижасини бугунги кун талабидан, қонунларимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб белгилаямиз. Ходимларнинг ўз устида мустақил ишлашига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз.

Бизнинг соҳада устозшогирдлик жуда катта аҳамиятта эга. Энди вазифага тайинланган ёш тергов-

чига биринчи кундан бoshлаб мураббий биркитилади. Тўғри, маълум муддатдан сўнг мураббийлик расман ўз кучини йўқотади. Аммо одатда устоз-шогирдлик муносабати бир умрга сақланади. Кўпни кўрган, нене мураккаб жиноят ишларини тергов қўлганлар ҳам кези келганда биринчи устозидан маслаҳат, йўлйўриқ сўрашга ийманишмайди. Тўғри қилишади, деб ўйлайман.

Маълумки, таълим-тарбия узлуксиз жараёндир. Унинг самарали шаклларидан бири малака ошириш курсларида ўқиш. Жиноят жазоларнинг либералластирилиши муносабати билан қонунларимизга кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Буларнинг барчасини ходимларимизга ўргатиша таълимнинг айнан шу шакли жуда

кўл келяпти. Вилоят ИИБ ўкув марказида ўн кунлик курслар ташкил қилдик. Терговчиларни иш стажи, тажрибасига қараб гурухларга бўлиб галма-гал ўқитдик. Муҳим мавзулар бўйича, маъруза ўқишига бишқарма раҳбарларини, вилоят суди, прокуратурасининг масъул ходимларини таклиф этдик.

Республика ИИВ Академиясида ҳам малака ошириш учун ходимларимизни режа асосида юбориб турамиз. Улар етук мутахассислардан сабоқ олиб, курсларни битириб келгач, хизмат тайёргарлиги машғулотларида чиқишилар қилишади. Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд дегандек, ёшлар ҳам яхши, ўзида хос тақлифлар, фикрмуроҳазалар билдириб туришади. Уларни эътибор билан ўрганиб, амалиётга татбиқ этамиз, кенг ёямиз. Чунки мақсадимиз умумий, битта – хизмат самарасини оширишади.

**О. ҲАСАНОВ,
милиция подполковники.
Бухоро вилояти.**

Милициянинг яқин кўмакчилари

БАЛЛИ, ПОСБОН!

Карши туманинг тунги қўриқлаш масканлари намунали фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Лагмон қишлоғида ташкил этилган ана шундай маскан съзолари йирик ўғирлик жиноятининг олини олишга эришилар.

Тумандаги Кўчкак қишлоғида яшовчи Қўйли Узловининг ҳовлисидан ярим тунда 21 бош қўйни ўғирлаб келаётган кимсалар кўлга тушди. Улар уч ҳамтовоқ бўлиб, учковлари ҳам 19 ёнда. Бирон бир касбнинг этагидан тутишмаган.

Жиноятни фош этишда маҳалла посбони Жаҳон Умировнинг ҳушёрги қўл келди. У қишлоқ фаоллари билан ярим тунда кўча айланни юрганди номаълум шахслар бир сурув қўйни ҳайдаб келаётганини кўриб қолди. Ўгрилар кўйлар ўзларига тегишли эканлигини айтишди. Аммо сергак посбон дарҳол туман ИИБга мурожаат қилди. Шунда сир очилди.

– Тунги қўриқлаш масканлари фаолияти буғунги кун талаблари асосида ташкил этилган, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники Иброҳим Усмонов. – Бу эса турли жиноятларнинг олдини олишида катта самара бераяти. Милициянинг яқин таянчи бўлган маҳалла посбонлари кучидан унумли фойдаланмоқдами.

Маҳалла посбони Жаҳон Умиров ҳамқишлоқлари олишишга сазовор бўлди. Фидойилик ва фаоллик инсонга ана шундай ҳурмат-эътибор олиб келади.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ

Маълумки, йўл-транспорт ходисалари, автоҳалокатлар содир бўлганда автотехника ва транспорт трассологияси экспертизаси кўп йиллар давомида X. Сулаймонова номидаги суд-экспертизаси илмий-тадқиқот институтида ўтказиларди. Айни кунларда эса бу муҳим текширув ишлари Тошкент вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимида ҳам амалга оширила бошланди.



– Йўл-транспорт ҳодисалари ёки автоҳалокат содир бўлганда баҳсли масала туғилади, яъни гумондорнинг айборлик даражасини аниқлаш лозим бўлади, – деди вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, милиция капитанни Н. Раимкулов. – Ана шунда транспорт воситаларини экспертизадан ўтказиш зарур. Ҳозирги кунда бўлимимизда бу иш билан шуғулланувчи эксперт хизмат қилмоқда. Милиция капитанни Баҳодир Раҳматов воеа содир бўлган жойга бориб, экспертиза ишларини бажаради. Текширув жараёнда транспорт воситасининг ҳолати, бош-

қарувни бузганлик, транспортларнинг урилиш ҳолатлари кўриб чиқлади. Ана шу аснода автоҳалокат сабаблари, айборлар аниқланади.

Янги лабораторияда қисқа вақт ичидан бир неча жиноятлар очилди, кўплаб баҳсли масалаларга аниқлик киритилди.

Ш. ДОЛИЕВ.

Сурʼатда: вилоят ИИБ ЭКБ автотехника ва транспорт трассологияси экспертизаси эксперти, милиция капитанни Б. Рахматов шогирди, милиция старшинаси Р. Файзулаевга автомобиль қисмини текширувдан ўтказишни тушунтирияти.

Қўриқлаш хизматига жисмонан ва маънан соғлом кадрлар қабул қилинмоқда. Ишнинг тезкорлигини таъминловчи алоқа ва транспорт хизматида сезиларли ютуқларга эришилди. Воқеа содир бўлган жойга бир зумда етиб бориши учун етарли даражада янги транспортлар сотиб олинди.

Ходимларимиз давлат ва фуқароларнинг моддий бойликларини қўриқлаш билан бирга турли жиноятларни ҳам фош этмоқдалар, – деди Урганч шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиция майори Шавкат Эшчонов. – Жумладан, йил бошидан бўён ўн тўққизта жиноят очилиб, 26 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Масалан, қўриқлаш бўлими милиционери, милиция сержантни И. Курбонов банкда хизмат вазифасини ўтаётган пайтада аёл қичқиригини эшитиб қолади. Номаълум шахс унинг бўйнидаги 300 минг сўмлик тилла тақинчоқни

юлиб қочган экан. Ходимларимизнинг чаққонлиги туфайли талончи Ю. ашёвий далил билан қўлга олинди. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари – бўлинма сардори, милиция старшинаси Баҳодир Абдуллаев ва милиционер, милиция катта сержантни Умиджон Сайдовлар тунда мол ўғирлашга уринган кимсани қўлга олиши.

Қўриқлаш бўлими ходимлари қадимий меъморий ёдгорликлари бўлган бинолар ва осори-атикаримизни кўз қорашиби.

– Мустақиллик шарофати билан ички ишлар тизими, хусусан қўриқлаш хизматида кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар идораларининг фаолияти давр талабларидан келиб чиқкан ҳолда такомиллашиб, сафлар етук кадрлар билан мустаҳкамланди. Ҳозирги қўриқлаш хизматини бундан бир неча йил олдингиси билан таққослаб бўлмайди, – дейди Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковники Ҳожикурбон Юлдашев.

юлиб қочган экан. Ходимларимизнинг чаққонлиги туфайли талончи Ю. ашёвий далил билан қўлга олинди. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиция ходимлари – бўлинма сардори, милиция старшинаси Баҳодир Абдуллаев ва милиционер, милиция катта сержантни Умиджон Сайдовлар тунда мол ўғирлашга уринган кимсани қўлга олиши.

Хивадаги банклардан бирида ўкув машғулоти ўтказилиб, “банкка ҳужум бўлганлиги” милиция ходимлари томонидан тезда бўлимга хабар қилинади.

Саноқли дақиқаларда банкка ҳўшимча кучлар етиб келади. Ходимлар бельгиланган жойларни эгаллашади. Тезкор гурух эса банк ичига киради. “Ҳужум” барбод этилади.

Кейинги пайтда Хоразмда кўплаб фуқаролар ўз хонадонларини сидқиддан адо этмоқдалар. **М. АБДУЛЛАЕВ.**

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда яратилган шароитлар, энг муҳими, тинчлик ва осойиштарилик туфайли кўпгина фуқаролар тадбиркорлик билан ҳалол меҳнат қилиб, турмуш фаровонлигининг ошиши, маданий ва моддий бойликларнинг кўпайишига хисса қўшишмоқда. Бирок корхона ва ташкилотларнинг мулкига кўз олайтириб, имкони бўлди дегунча ниманидир ўзлаштирувчи кимсалар ҳам учраб туради. Улар қай усулда ўғирлик содир этишмасин, барibir бир куни кўлга тушадилар.

Бундай дейишишимизга асос бор. Истиқололга эришганимиздан кейин жиноят-қидириув ва терроризмга қарши кураш бўлиmlарининг жанговарлиги ва тезкорлигини ошириш, уларни энг замонавий алоқа, техник ва транспорт воситалари билан таъминлашга этибор кучайтирилди. Сафлар

маълумотли, касб маҳоратини тинмай ошириб борадиган, бурчига садоқатли ва маъсуллиятли ходимлар билан мустаҳкамланди.

Ўтган йили тезкор ходимлар учта ўғирлик ва битта гиёҳвандлик моддаларни тарқатиш билан шуғуллангани учун қидириувда эди. Улар қанча найранг ишларни олишишида қарашади. Ишнинг яхшиланишида фуқаролар билан ҳамкорлик катта самара бераётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ходимлар халқ ишончини оқламоқдалар. Бу эса осойиштариликни таъминлаш, жиноятчиликка барҳам беришда кўл келмоқда.

Ишнинг яхшиланишида фуқаролар билан ҳамкорлик катта самара бераётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ходимлар халқ ишончини оқламоқдалар. Бу эса осойиштариликни таъминлаш, жиноятчиликка барҳам беришда кўл келмоқда.

Р. РАҲМОНОВ,
милиция подполковники.

ҚОНУНЛАРНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони шунингдек, "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш хақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни юзасидан Тошкент вилояти ички ишлар идораларида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковники Абдуқодир Рахимжонов билан сұхбатимиз шу хакда бўлди.

Жазо муддатини ўтаётган айрим шахсларга нисбатан амнистия қўлланиши ва унга асосан жазонинг қолган муддатини ўташдан озод қилиниши ёки жазо муддатлари қисман қисқартирилиши, тергов, суд ҳаракатлари тўхтатилиши халқимиз томонидан яқдиллик билан кутиб олинади.

Жазони ижро этиш мусассасини тарқ этиб, озодликка чиқсан шахс учун

ҳамма вақт ҳам иш ва турар жой муаммоси ҳал бўлавермайди. Улар орасида ёлғиз ёки уй-жойсиз, иш топиш муаммосига дуч келадиганлари талайтина. Яшаши учун етарли имконияти бўлмаган, иродаси бўш айрим шахслар яна жиноятга қўл уриши мумкин.

Амнистия ҳақида Фармон боис озодликка чиқсан шахс дарҳол жамиятга қайтмоғи, ўзини жамиятта кераклигини ҳис

қилмоғи лозим. Буни ҳисобга олган бошқарма раҳбарияти жойларда ҳокимликлар, суд, прокуратура идоралари вакиллари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳарларда озодликка чиқарилган шахслар, уларнинг қариндошлари иштирокида йиғилишлар, очиқ савол-жавоб кечалари ўтказмоқда. Бу мулоқотларда озод этилганларнинг муаммолари ўрганилиб, ҳал қилиш чоралари кўрилаяпти. Натижада шу кунгача вилоят бўйича бундай шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммолари ҳал этилиши, паспорт олишлари, ишга жойлашувларига эришилди. Шунингдек, уларга ҳокимликлар хузуридаги ижтимоий қўнишка марказлари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Масалан, Янгийўл тумани Гулбаҳор кўғонидаги маданият уйидага ўтказилган "Бўш иш

ўринлари ярмаркаси"да жазони ўташдан озод қилинганларнинг 15 нафари ишга расмийлаштирилди. 10 кишига эса қўшимча ажратилган иш жойларига йўлланма берилди. Бироқ, ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, инсонпарварликни писанд қилмай, берилган имкониятлардан фойдаланиб, тўғри йўлга тушиб ўрнига яна қайта жиноятга қўл ураётганлар ҳам учрамоқда. Масалан, Олмалиқ шахрида ўғирлик жиноятини содир этиб, 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган Т. Андрей озодликка чиқанига 17 кун бўлганда яна жиноятга қўл урган. Зангиталик М. Собир озодликка чиқиб, ҳали уйига этиб келмай, қайта жиноят соидир этган.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нима? Жиноят содир этганларга нисбатан жазо

чоралари қўллаш қай даражада енгиллаштирилган? Аввал айнан бир жиноят учун қандай жазо чораси қўлланиларди-ю ҳозир у қандай кўринишда? Жазо чоралари орасидаги фарқ нимади?

Вилоят ИИБ раҳбарияти, профилактика инспекторлари ҳамда ҳукуқтартибот идоралари ходимлари туманлар, шаҳарлар, маҳаллалар вакиллари, маданият уйлари ходимлари, мактабларнинг педагогик жамоалари, юқори синф ўқувчилари билан ўтказилаётган учрашувлар, "Ҳукуқ сабоқлари" номли саволжавоб кечаларида айнан юқоридаги саволларга батафсил жавоб бериб, ғуқароларга қонунчиликдағи янгиликларни батафсил тушунтириб бермоқдалар.

Вилоят ички ишлар идораларида хизмат қила-

ётган ҳар бир ходим, айниқса ёш ходимлар билан ҳам ушбу қонунни ўрганиш бўйича машгулотлар олиб бориляпти. Бу борада, хусусан, фахрийларимизнинг кўмаги катта бўлди. Ноябрь ойда Тошкент тумани ИИБда ҳукуқбузарликнинг олдини олиш бўлими, жазони ижро этиш инспекцияси ва вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари иштирокида сайёр семинар-кенгаш ўтказилди. Бу эса ходимларимизнинг қонунларни мукаммал ўрганиш ва фуқароларга етказишларидаги муҳим омиллардан бириди.

Мақсадимиз келажаги буюк ҳукуқий демократик жамият қуриш экан, ғуқароларимиз, биринчи галда ҳукуқтартибот ходимлари қонунларимизни мукаммал билишлари зарур ва шундай бўлади ҳам. Бунинг учун бизда ҳамма шароитлар мавжуд.

Сұхбатни
А. МУРОТОВ
ёзб олди.



КАСБИННИ АРДОҚЛАГАН ЙИГИТ

Инсоннинг касб танлашига баъзан тасодиф ҳам туртки бўлади

... "Милицияда ишлашини хаёлимга келтирмагандим, — дейди Улубек Оллобердиев кулиб. — Ота-онам, aka-укам, опаларим — ҳаммалари ўқитувчи. Мен ҳам Фарғона педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини тамомлагандим. Мактабда ишлаш ўзимга ёқарди.

Фарғона шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари Моисей Александрович Пак милицияга таклиф қилди. Кўп ўтмай вояга етмаганлар билан ишлай бошладим. Менга раҳмати Абдурасул ака Қосимов устозлик қилдилар.

Бир куни ярим тунда машинада ишдан қайтаётгандим. Йўлда 13 — 14 ёшлардаги икки ўсмир кўл кўтарди. Машинани тўхтатдим. Фуқаро кийимида бўлганим учун улар милиция ходими эканлигимни билишмади.

— Дяденька, нас подбросте до Киргүлей. Мы вам за это две бутылки коньяка дадим, — дейишиди улар. Рози бўлдим. Ўсмирлар панаю қойдан иккита сумкани кўтариб келишиди. Ҳар бирида 30 тадан "Халқобод" коньяги

Хоразм вилояти ИИБ ҳодимлари йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ибратли ишларни амалга оширилмоқдалар. Айниқса, пиёдалар билан боғлиқ қўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун боғчаларда, мактабларда, маҳаллаларда мунтазам учрашувлар, сұхбатлар ўтказилаётган. Туман ва шаҳар марказларидаги йўлларнинг пиёдалар ўтиши жойларида маҳсус профилактик тадбирлар олиб борилемоқда. Ўтказилаётган барча тадбирларда ЙПХ инспекторлари фаол иштирок этилаётган. Улар орасида милиция кичик сержант Қадамбой Рўзиев ҳам бор. У мана 10 йилдирки, ЙХХБда хизмат қилиб келмоқда. Тажрибали ЙПХ инспекторининг ҳуҷаралиги туфайли кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олининти.

Суратда: Қ. Рўзиев ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

бор экан, Сумкаларни юкхонага жойлаб, жўнаб кетдик. Мен йўловчиларни тўғри ИИБга олиб келдим. Болалар тезда бор гапни айтиши: 3-4 таси бир бўлиб, бирорнинг гаражи остидан йўл очиб, у ёрда сақданаётган конъякларни ўғирлаб, Қиргулидаги дўйончиларга арzon нархда пуллашаётган экан. Гараж эгасини аниқлаб, унга бу ҳақда айтганимизда: "Йўғ-э, конъяклар ўрнида турибди, кечагина қараганиман", деди. Бирга гаражни очиб қараганимизда яшчикларда конъяклар қатор турарди. Аммо орқа қатордаги яшчиклар бўшаб қолган эди.

Гуваҳлар иштирокида чукурни кавлай бошладик. Кўп ўтмай одам жасади кўринди. Бу жасад айни биз қидирган одамни эканлиги аниқланди...

Тезкор ходим Улубек Оллобердиев ҳақида шаҳар ИИБ жиноят-қидирив ва терроризмга қарши кураш бўлими бошлигининг ўринбосари Алиматжон Холиковлар яхши фикрлар билдиришди. Гаражда ўй эгасининг автомашинаси турарди, биз шубҳа қилган нарса эса йўқ эди. Үндан бошқа гаражларини сўраганимда, "сотиб юбор

и чиқи ишлар идораларидаги хизматларни доимий равишда бир-бири билан узвий боғлаб туришда алоқа воситаларининг ўрни бекиёсдир. Кейинги йилларда республикамиз, жумладан Жиззах вилояти ички ишлар идоралари замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланмоқда. Уларнинг бенуқсон ишлаб туриши учун хизмат қилаётганлар ҳақида вилоят ИИБ алоқа бўлинмаси бошлиги, милиция подполковниги Карим Каршибоев қўйидагиларни гапириб берди:

ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

— Ҳозирги кунимизни алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, ички ишлар идораларида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Айни кунларда деярли ҳар бир милиция ходими қўл рацияси билан таъминланаётганинг ўзи фикримизнинг далилидир.



Алоқа бўлими ходимлари иш устида

Б. БЕГИМКУЛОВ олган сурат.

рига хорижда ишлаб чиқирилган қўл рациялари тарқатилган. Бундан ташқари вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар бўлиmlарига ҳам давр талабига жавоб берадиган телефон, рация, факс ва бошқа зарур аппаратлар келтирилиб, ўрнатилди.

Ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли яна бир қатор замо-

нивай асбоб-ускуналар олди. Шу билан бирга ходимларни улар билан ишлашга ўтгатиши ҳам йўлга қўйилди. Бошқарма ўкув марказидан кўл рациялари, идоралардаги алоқа воситаларидан фойдаланиши ўзлаштириш учун тингловчиларга маҳсус дарс ўтилаётган. Туманлардаги мутахассислар учун ҳам ўкув машгулотлари ташкил этилган. Янги келтирилган техникалар, асбоб-ускуналар, аппаратларни тезда ўзлаштириб олиш ва ходимларга ўтгатиш учун ҳаракат қилилгиз. Шу ўринда бўлинмаси алоқа мұхандислари, милиция капитани О. Усанов, милиция катта лейтенанти Э. Худойбеков, уста С. Бобоқуловлар фооллик кўрсатишгаётганини айтib ўтиш лозим.

С. ШАМСИДДИНОВ
ёзб олди.

УЧНИНСИЙ

«Носинга»
gazetasining ilovasi

+ TV VOLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Ажойиботлар сири

Жаҳон ҳалқлари ижоди намуналарида сеҳрланган, муқаддас ирмоқлар ва дарёлар ҳақида кўплаб эртак ва афсоналарни учратиш мумкин. Иордания ва Ганга бунга яққол мисолдир. Ҳалқ оғзаки ижодида хавфли кўллар ҳақида бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Бунинг учун дарё сувидан кўра кўлларни хуш кўрадиган сув париларини эслашнинг ўзи кифоя.

ХАТАРЛИ КЎЛЛАР

Бугунги кундаги афсоналарда эса баъзи кўллар ёнида кўпинча НУЖлар кузатилгани, бошқаларида гаройиб маҳлуқлар борлиги, учинчиларининг эса сеҳрли эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Ана шундай гаройиб кўллардан бир нечтаси Кордильера тогининг чиқиши қийин бўлган чўққалирида жойлашган. У ерда, деярли булутларга туаш баландликда ғалати Панко кўли ястаниб ётиди. Мишмишларга қараганда, бир неча йил аввал бу ерни НУЖлар “ёқтириб қолибди”. Маҳаллий ҳиндуларнинг айтишларича, у ерда мунтазам равишда гаройиб воқеалар рўй берадиган эмиш. Ҳиндулар эрталаб соат олтида ва кундузи учдан тўртгача вақт оралиғида ёритгичлари бўлган жисмлар сувга шўнғиётгани ёки сувдан учеб чиқаётганини бир неча марта кузатишгани ҳақида ҳикоя қилишган. Жисмлар қовун, тўртбурчак, ҳалқа каби турлича шаклларда бўлган, жуда осонлик билан сувга шўнғиётган, баъзан сув сатҳидан бир неча сантиметр баландликда осилиб туриб, аста-секин унинг юзаси бўйлаб ҳаракатланган. Кейин эса кўз-очиб юмгунча осмонга кўтарилиган ёхуд тоғ ёнбағри бўйлаб секинлик билан юқори кўтарилиган. Ваҳоланки, маҳаллий аҳоли онгиди НУЖ деган тушунча учун жой бўлмагани сабабли ҳиндулар кузатилаётгандек ҳодисаларни жодугарлар ва ёвуз руҳларнинг кирдикорлари сифатида қабул қилишган.

Айтганча, бундай ғалати ҳодисалар фақат чекка ва бориш қийин бўлган жойлардагина кузатилмайди. Хоҳиш бўлса, ҳар қандай хусусий самолёт эгаси Аргентина Андларидаги Корлос-де Барилоче деган жойда ястаниб ётган улкан Нахуэль-Хуани кўли узра саёҳат қилиши мумкин. Унда Шотландиянинг Несси қўлидагига ўхшаган маҳлуқ макон қилган эмиш. 1994

йилнинг 14 январь куни камидиа йигирма киши бу узунлиги йигирма метр келдиган, териси қалин, устки қисми тишиларга ўхшаш нарса билан қопланган маҳлуқнинг сув юзида сузиб юрганини кўришганини айтиб беришган.

АЛЬЧИЧИКА СИРИ

Жанубий Американинг Перст деган жойидан тахминан йигирма километр жануброқда, Веракрус якинидаги Альчичика деган кичик кўрфаз жойлашган. Унинг қирғоқлари европалик босқинчилар пайдо бўлишидан анча оддин сеҳрланган жойдеб ҳисобланган ва “часкве” деган ном билан машҳур ўзиган сувости париларининг исқисика турига макон бўлган. Ўша жойларда бўлган тадқиқотчилар кўрфазга яқинлашаётган пайтдаёқ турли ғалати ҳодисаларнинг гувоҳи бўлишган. Масалан, электр асблоларида батарейкалар заряди камайиб қолган, видеотасмалар яроқсиз ҳолга келган. FM диапазонларидаги радиотўлқинларни қабул қилиш тўхтаб қолган. Буларнинг ҳаммаси ердаги номаълум манбаларнинг қандайдир электромагнит ўзгаришлари ҳақида фикр билдириш имконини берди.

Бундан ташқари, биолог Аркуро дель Мораль экспедицияси қатнашчилари тунда сув қатлами чиқаётгандек ғалати товушларни эшишишган. Қатнашчиларда у ерда нимадир сувзаётгандек таассурот ҳосил бўлган. Шу атрофда яшаштганлардан бири үларни кутқариб қолмоқчи бўлган, лекин у ҳам ҳалок бўлган. Терговчилар ўз-ўзидан жойидан қўзғалган машина мустаҳкам кўл тормозида турганини аниқлашган.

Атрофда яшовчиларнинг фикрича, бахтсизликлар ягона сабаб: Жон Д. Лонг кўли сеҳрлангани туфайли рўй берган. Суд ҳокимияти бундай изоҳларни жиддий қабул қилмаяпти ва Сюзан Смит ишини қайта кўриб чиқишини хоҳламаяпти. Лекин сирли ҳолатларда одамлар ҳалок бўлаётган кўллар ҳар қалай мавжуд. Ана шундай хосияти билан машҳур бўлган қотил кўллардан бири Уитни деб номланади. У Американинг Техас

КОТИЛ КЎЛЛАР

1994 йил октябрь ойида америкаликлар даҳшатли жиноят ҳақидаги хабардан ҳайратга тушдилар. Ёш она Сюзан Смит ичидан икки ўғли ўтирган ўз автомобилига қайиқлар турадиган жойдан Жон Д. Лонг кўлига тушшиб кетиши учун ўзи имкон яратиб берган. Ўриндиқча ҳавфсизлик камари билан боғланган болалар кўлга чўкиб кетишишган. Уларнинг онаси атайлад қилган қотиллиги учун умрининг охиригача қамоқ жазосига маҳкум этилган. Кейинроқ мазкур ҳодиса шу билан ниҳоясига етмаганлиги маълум бўлди. Икки йилдан кейин ҳудди шу қирғодан ҳудди шу кўлга бошқа машина тушшиб кетган, унда 4 нафар катта одам ва тўрт бола бўлган. Жипдаги етти қишининг ҳаммаси чўкиб кетган. Фожиа гувоҳларидан бири үларни кутқариб қолмоқчи бўлган, лекин у ҳам ҳалок бўлган. Терговчилар ўз-ўзидан жойидан қўзғалган машина мустаҳкам кўл тормозида турганини аниқлашган.

Атрофда яшовчиларнинг фикрича, бахтсизликлар ягона сабаб: Жон Д. Лонг кўли сеҳрлангани туфайли рўй берган. Суд ҳокимияти бундай изоҳларни жиддий қабул қилмаяпти ва Сюзан Смит ишини қайta кўриб чиқишини хоҳламаяпти. Лекин сирли ҳолатларда одамлар ҳалок бўлаётган кўллар ҳар қалай мавжуд. Ана шундай хосияти билан машҳур бўлган қотил кўллардан бири Уитни деб номланади. У Американинг Техас

кўлидагига ўхшаган маҳлуқ макон қилган эмиш. 1994



штатидаги Уэйко шаҳрининг шимолида жойлашган. Кўп йиллардан бўён бу ерда қирғоқлардан турли хил автомобиллар сирғалиб тушшиб кетмоқда. Уларда ҳалок бўлаётган одамлар сони ортмоқда. Кўлнинг тубидаги лойқа жойга тушшиб кетган ўнлаб автомобилларни топган полициячи ғаввослар бирон марта ҳам одамларнинг жасадларини учратишмаган. Ҳозир кўл тубида ётган автомобилларнинг аксарияти ҳеч ҳам тушшиб кетмаслиги кепак эди – уларнинг кўл тормозлари тортиб кўйиланди. Лекин булар рўй берган. Гувоҳларнинг айтишича, 1974-1975 йилларда Уитни кўли қирғогига иккита НУЖ қўнган. Улар кўнган жойларда ер кўйиб, қорайиб кетган.

Жаҳонда майдони жиҳатдан иккичи ўринда турвчи Канада ҳам ҳалокатли жойлари билан машҳурdir. 1966 йил июнь ойида кекса эр-хотин ва уларнинг ўсмири ўғли Онтарио ҳудудидаги Атон кўлига балиқ овига жўнашди. Соҳилга келиб, у ерда ҳеч кимни учратмай балиқчилар аввал хурсанд бўлишиди, лекин бир оздан кейин үларни вахима босди. Тўсатдан ҳамма ёқ қоп-коронги ва жимжит бўлиб қолди. Бу жимжитликни вақти-вақти билан ғижирлаган товушлар бузид турарди ва бадбўй, аччиқ ҳид тараларди. Кейин эса ота-онасини ваҳимага солиб тўсатдан уларнинг ўн беш ёшли ўғиллари йўқо-

либ қолди. Улар узоқ вақт ўғилларини чақиришди, қидиришди, лекин натижада бўлмади. Куппа-кундуз куни кўл - устини қоплаган қоронгиллик тарқалгандан ота-она ўз ўғилларини кўрди. Унинг қаёқдан пайдо бўлгани номаълум эди. Бола қаттиқ ҳаяжонланиб думалоқ самолётни кўрганини маълум қилди. Бола самолёт томонга югуриб борганини, кейин эса нима бўлганини эсломаёттанини айтиб берди. Тез орада боланинг хотириси йўқолиб, бу ақлий ўзгаришга олиб келди. Болани жиннихонага ётқизиши, лекин даволашга муваффақ бўлишмади.

БУЮК КЎЛЛАР

УЧБУРЧАГИ

Денгизга ўхшаган улкан кўллар ҳам жумбоқлардан холи эмас. Баъзан уларда ҳам турли гаройиб ҳодисалар бўлиб туради. Америкадаги Буюк кўллар бунинг ёрқин мисолидир. Улар билан боғлиқ сирли ҳодисалар ҳақида кўп нарса ёзилган. Жей Гурли эса бу мавзуга “Буюк кўллар учбурчаги” китобини бағишишаган. У ерда рўй берадиган кўпгина гаройиб ва сирли воқеалар Гурлининг фикрича, “шундай курдатли ва шиддаткор қандайдир ҳалокатли куч таъсири остида рўй берадики, бу ерга кирмоқчи бўлган ҳамма нарсани шафқатсиз равишида йўқ қиласи”. (Бу негадир Буюк

кўлларда кемалар қатновига ҳалақит бермайди. Муаллиф). Ҳозирча ҳеч ким мазкур қурдат ва шиддатни изоҳлаб беришни таклиф этганича йўқ.

1998 йил март ойида НУЖларни ўрганиш Маркази Эри кўли соҳилидаги Перри атом электр станцияси яқинидаги ғаввослар пайдо бўлгани номаълум эди. Бола қаттиқ ҳаяжонланиб думалоқ самолётни кўрганини маълум қилди. Бола самолёт томонга югуриб борганини, кейин эса нима бўлганини эсломаёттанини айтиб берди. Тез орада боланинг хотириси йўқолиб, бу ақлий ўзгаришга олиб келди. Болани жиннихонага ётқизиши, лекин даволашга муваффақ бўлишмади.



Дейл Карнегининг номини кўпчилик эшитган бўлса керак. Унинг шахсий тажрибаси, ҳаётий кузатишлари, илмий изланишлари асосида ёзилган китоблари Фарбда, америкаликлар ўртасида машҳурдир. Биз ҳам газетамиз саҳифаларида дастлаб унинг "Қандай қилиб безовталика чек қўйиб яшаш мумкин?" китобидан парчалар бериб боришига қарор қилдик. Агар бу газетхонларимизга маъкул бўлса, уларга ҳаётда амалий кўмак берса, кейинроқ муаллифнинг бошқа сарларига ҳам мурожаат қилиш ниятимиз йўқ эмас.

ДЕЙЛ КАРНЕГИ

